O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 23-YANVAR ■ PAYSHANBA ■ 9 (27.029) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири — Умумиқтисодиёт комплекси раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири — Умумиқтисодиёт комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 январь

Мустақиллик меъмори

«Халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди».

«Адолат» нашриёти чоп этган «Мустақиллик меъмори. Ислом Каримов сиймосига чизгилар» рисоласи мамлакатимиз раҳбарининг ана шу сўзлари билан бошланади.

Ушбу асарда Ислом Каримов мамлакат раҳбари лавозимига келган кезлари, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришган кунлари, эркинликда ташланган дастлабки қадамлар, биринчи Президентимизнинг жиддий ва қалтис синовларга дуч келгани, истиқлол йилларида юртбошимиз раҳбарлигида эришилган ютуқлар баён қилинган.

Қатъият ва матонат билан иш кўриш, айни чоғда ҳамма нарсани етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесишга эҳтиёж сезилган мураккаб вазиятларда Ислом Каримовнинг йўлбошчи сифатидаги иродаси, қатъияти, донолиги намоён бўлади. Унинг раҳбарлигида ўлкамизда тинчлик ва осойишталик қарор топгани, умуман, юртимиздаги барқарорлик ана шундай катта жасорат ва улкан ғайрат эвазига барпо этилгани фавқулодда синчковлик ва кузатувчанлик, холисона таҳлил ва жўшқин руҳда ҳикоя қилинган.

Ислом Каримов Президент сифатида иш бошлаган илк кунларданоқ ғоят мушкул ва чигал муаммоларга дуч келди. Ўзбек халқини оғир маломатлардан қутқармоқ, юртни мислсиз бўҳрондан халос этиб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатмоқ керак эди. Ўша шароитда бу бамисоли катта бир тоғни иккинчи жойга кўчириш билан баробар эди. Унча-бунча раҳбар бундай вазифани уддалаши амримаҳол эди. Ислом Каримов буни уддалади.

— Мустақиллик йилларида Йўлбошчимиз она-юртимизнинг истиқболи йўлида бири-биридан улуғ, бири-биридан муҳим кўп ишларни амалга оширди, — деб ёзади муаллиф — Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов. — Мен улардан биронтасини камситмаган ҳолда, Ислом Каримовнинг юртбоши сифатида қўйган биринчи қадамини энг қутлуғ қадам деб, ўзбек халқини маломатдан қутқариб, унга тинчлик ва хотиржамликни қайтариб бергани энг улуғ жасорат, тенгсиз бир қаҳрамонлик деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам бутун юртимиз бу фидойи инсоннинг ана шу буюк хизматини эътироф этади ва юксак қадрлайди.

Президентимизга хос ажойиб фазилатлар — беқиёс фидойилик, чинакам қаҳрамонлик ва довюраклик, юксак ақл-заковат, улкан жисмоний ҳамда маънавий салоҳият Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги бутун фаолиятида яққол намоён бўлиб бораётгани мустақиллик йилларида амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари мисолида, ёрқин ҳаётий лавҳаларда акс эттирилган.

Асарда Юртбошимизнинг кенг қамровли фаолиятига доир суратлар берилган.

Китоб Республика ҳуқуқий маърифат маркази томонидан тайёрланаётган «Давлат ва миллат рамзлари» туркумидаги рисолаларнинг илк намунасидир.

Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилган.

(ЎзА)

● ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Тиббиётнинг тож томири

Мамлакатимизда эл соғлиғини сақлаш ва унинг ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда биргина Тошкент шаҳрида ўнлаб замонавий шифохоналар барпо этилди. 1999 йилдан иш бошлаган республика «Шошилинч тиббий ёрдам» маркази соғлиқни сақлаш тизимидаги тарихий ўзгариш бўлди

Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази шифокорларидан бир гуруҳи.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги (1998 йил 10 ноябрь) Фармони тиббиётда кучли салоҳиятга эга бўлган янги тузилмалар шаклланишини бошлаб берди.

Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази ўз фаолиятини 1999 йилда бошлаган бўлса, шу кунгача марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 12 та филиали, туман ва шаҳарларда 174 та бўлимлари очилди.

Республика марказида бир йўла 760 нафар бемор даволаниш имконига эга. Ҳар бир беморнинг аҳволи марказлашган тизим орқали кузатиб турилади.

Бугун марказнинг диагностика, жарроҳлик, нейрожарроҳлик, травматология, реанимация, токсикология, гинекология ва бошқа бўлимларида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бу ерда дунёнинг тараққий этган мамлакатларида ишлаб чиқарилган компьютер томограф, ЯМР — томограф, гастроскоп, бронкоскоп, колоноскоп каби юқори технологияга асосланган тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Марказ ходимларининг аксарияти АҚШ, Япония, Германия ва Ҳамдўстлик давлатларида малака ошириб келишган.

Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази ва унинг жойлардаги филиал ва бўлимлари томонидан 2002 йилгача 3310136 беморга стационар ёрдам кўрсатилган.

Бугун марказ ва унинг филиалларида 33 нафар фан доктори, 77 нафар фан номзоди, 414 нафар олий тоифали шифокор фаолият юритмоқда. Улар томонидан тайёрланган монография, илмий мақолалар республикамизда, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва бошқа хорижий нашрларда эълон қилиб борилмоқда.

Тиббиётимизда довруқ тараётган профессор Абдуҳаким Ҳожибоев, тиббиёт фанлари доктори Козим Маҳкамов, профессор Равшан Асомов, тиббиёт фанлари номзодлари Фурқат Йўлдошев, Ориф Нодирхонов, шифокорлардан Тоҳир Иброҳимов, Елина Борисова, Аббосхон Маърупов, Абдужаббор Фаёзовлар беморлар дардига дармон бўлмоқда.

Марказда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Замонавийлиги ва қулайлигига кўра у халқаро андозаларга тўлиқ мос келади.

Президентимиз 2002 йил 26 март куни ушбу муассаса фаолияти билан танишиш мақсадида ташриф буюрдилар. Ходимлар билан суҳбат чоғида марказда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга оид фикрлар билдирдилар.

Халқимиз саломатлиги йўлида изланаётган, тунларни тонгларга улаб меҳнат қилаётган шифокорлар бундай эътибор ва эътиборга амалий жавоб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Тиббиётимизнинг тожи бўлган марказ хизматидан республикамиз аҳолиси мамнун бўлмоқда.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Тез ёрдамга чақирув бўлди.

Санавиация автомобили йўлга шай.

Бемор марказга келтирилди.



Марказлашган тизим орқали ҳар бир бемор аҳволи назорат қилинади.

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Истеъмолчи ҳуқуқи бузилмоқда»

«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси хабар қилади:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 4 январь сонида чоп этилган «Истеъмолчи ҳуқуқи бузилмоқда» сарлавҳали мақола Наманган вилояти электр тармоқлари корхонаси жамоаси ўртасида атрофлича муҳокама қилинди.

Мақолада кўрсатилган электр энергияси таъминотидаги узилишлар тўғри акс эттирилгани эътироф қилинди. Электр таъминотидаги узилишларни қисқартириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва бажарилиши назорат этилмоқда.

Эътибор учун қуйидагиларни маълум қилишни лозим топдик:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Энергияни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш» балансига биноан Наманган вилояти ҳар куни 7 миллион 400 минг киловатт-соат электр энергиясини ишлатиши керак. Аммо, вилоят кунига 8 миллион 800 минг киловатт-соат электр энергияси ишлатиб, меъёрдан 1 миллион 400 минг киловатт-соат ортиқ олмоқда.

Унинг асосий сабаби совуқ кунлари электр энергиясидан аҳолининг хонадонларни иситишда фойдаланганлиги ҳамда савдо шахобчаларида, бозорларда ва идораларда кўплаб қўлбола электр иситгичлар ишлатилганлигидир.

Корхона ходимлари ҳар куни, навбатчиликдан ташқари, бундай қонунбузарларга қарши рейдлар ўтказмоқдалар ва кунига 1125 дан зиёд қўлбола ясалган ва ўрнатилган электр иситгичлар йиғиштириб олинмоқда.

Шу билан бирга туман, шаҳар ва вилоят газеталари, радио ва телевидениеси орқали жами 56 марта чиқиш қилинди ва аҳоли орасида электрдан оқилона фойдаланиш тартиби тушунтирилди.

Вилоят электр тармоқларига электрни узатишдаги чеклаш ва ўчиришлар сонини кескин камайтириш топшириғи берилди.

Электр энергиядан ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчиларга нисбатан олиб борилаётган ишларни кенг тарғибот қилишда «Ўзбекистон овози» газетаси мухбирлари билан ҳамкорлик қиламиз, деган умиддамиз.

Бошқарув раисининг ўринбосари Р. РАИМОВ

СЎҚМОҚ

Сўқмоққа беписанд боқма, эй ўғлон,
Ажина йўли деб қилмагил гумон.
Наинки шоқоллар ўтгайдир бундан,
Арслон ҳам ўтгайдир гоҳи-гоҳи он.

Абдулла ОРИПОВ
2002 йил, 16 ноябрь

Ташкилий масала кўрилди

2003 йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Фарғона вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Анваржон Эгамбердиев, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Партиянинг Марғилон шаҳар кенгаши етакчиси бўлиб келган Маҳаммадали Исоқов Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Мактабга эътибор

Куни кеча Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ўта муҳим масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда авария ҳолатидаги умумтаълим мактабларини замонавий услубда қайта таъмирлаш масаласи кўриб чиқилди. Вилоят бўйича 61 та мактаб бугунги кун талабига жавоб бермаслиги аниқланган. Эндиликда бу мактаблар маҳаллий бюджет ҳамда ҳомий ташкилотлар ҳисобидан қайта қурилади. Бу ҳақда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев тегишли қарор қабул қилди.

— Мажлисда Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги ташаббусларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рустам Ражабов. — Қайта қуриладиган ушбу мактабларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар ҳозирланади.

Яна бир янгилик: эндиликда вилоят ҳокими ҳафтада бир марта мактабларни кўздан кечирадиган бўлди.

Юнус БЎРОНОВ

Чўлқуварлар учун коллеж

Чўлқувару нефтчилар шаҳарчаси — Қоровулбозорда транспорт касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди.

—Энди бизнинг ёшларимиз олис йўл босиб, вилоят марказидаги билим даргоҳларига бориб юрмайдилар,— дейди туман ҳокими Нарзулла Йўлдошев. — Қоровулбозорда соҳа кадрларига эҳтиёж катта. Шуни ҳисобга олсак, 450 ўқувчига мўлжалланган янги коллеж муаммомизни ҳал этишга хизмат қилади.

Даврон БАҲРОНОВ

Яна бир қўшма корхона

Нуробод туманида «Parvina UNIPAK DOIL NUROBOD» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси иш бошлади. Поливинилхлориддан эшик, ром ва бошқа уй-жой, рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур қўшма корхона ички бозорни халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришга хизмат қилади. Маҳсулотни хорижга экспорт қилиш режаси ҳам бор.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

● ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Зайнабу Омонлар юрти бу

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР ТУФАЙЛИ БАРЧА СОҲАДА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ БЎЙ-БАСТИ БИЛАН НАМОЁН ЭТАЁТГАН ҒИЖДУВОНЛИКЛАР ҲАҚИДА

ЯШАГИНГ КЕЛАРКАН ЯХШИНИ КЎРИБ

Буюк алломаларга бешик бўлган Ғиждувоннинг шуҳрати етти иқлимга кетган. Тарихи, маданияти юқори даражага кўтарилгани боис жаҳон нигоҳини ўзига тортиб келади. Шундан бўлса керак, ҳар бир ғиждувонлик қалби мудом ажиб ифтихорга тўла. Уларни азиз ва мукаррам пирлари, мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган Хожагон тариқатининг асосчиси — Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳлари қўллайди. Дарвоқе, келаси йил улуғ аллома таваллудининг 900 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Юртбошимизнинг бу ерга қилган ташрифи ана шу улуғ маъракага тайёргарлик ишлари бошланишига берилган оқ фотиҳа бўлди.

30-40-йилларда Зайнаб Омонова, Улфатбиби Бекназарова, Файзулла Юнусов сингари уста пахтакорлар номи мамлакатда достон бўлган. Халқимизнинг севимли шоири Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони қаҳрамони ҳам асл ғиждувонлик қиз — Зайнаб Омонова эди. Шоирга илҳом берган, уни булбулдек сайратган Зайнаб опа яқин-яқингача ўз таассуротларини тўлқинланиб ёдга олардилар. Тиллардан дилларга кўчган мазкур асар қаҳрамонлари издошлари туманда бирин-кетин кўпайди. Меҳнат Қаҳрамонлари — Қизбиби Ҳусенова, Обида Ҳамроева, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат Облоқулов, Саломат Ғаниева, Хумор Ҳамроева, Ҳанифа Жумаева, Мажид Рашидов... ҳозир уларнинг айримлари орамизда йўқ. Бугунги ёшлар эса улар очган булоқлардан сув ичишмоқда. Буни ўз самарали меҳнатлари билан кўрсатишмоқда. 2002 йилда пахта сотиш шартномавий режаси ортиғи билан уддаланди, давлатга 40645 тоннадан ортиқ хомашё топширилди, 11725 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олинди. Ф. Хўжаев номли, Ибн Сино номли, «Зарафшон», «Гулистон», Ҳ. Олимжон номли, А.Ғиждувоний номли ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик 45-50 центнерни ташкил этди. Бунда ҳам шу соҳанинг Зайнабу Омонлари масъулиятни ўз зиммаларига олдилар.

Яширишга на ҳожат, туман халқи соҳадаги бир-икки йиллик муваффақиятсизлик аламларини ҳам татиб кўрди. Бундан икки-уч йил муқаддам режалар аро йўлда қолганида кўпчилик раҳбарлар ориятдан қизариб кетардилар... Бултур ёзда туманга ҳоким этиб тайинланган Толибжон Қудратов иймони уйғоқ, виждони тоза одамларга суянди, деҳқонга эркинлик берди. Хуллас, соҳадаги депсиниш барҳам топди. Ўтган йил натижаларига кўра туманда 375 тонна пилла, 19410,6 тонна дон етиштирилди. Олдинги йилга нисбатан давлатга 13 тонна пилла, 1023 тонна дон кўп сотилди. Ҳар гектар ердан 46 центнердан ошириб дон олинди. Бу кўрсаткич «Зарафшон» фермерлар уюшмасида 53 центнерни, Ҳ. Олимжон, Ибн Сино, А. Ғиждувоний, Навоий номли ширкат хўжаликларида 50-51 центнерни ташкил этди. Бобур Нуров, Ойбек Рустамов, Шавкат Ҳайдаров, Омон Тўраев, Муртазо Шукуров сингари пудратчилар ҳар гектар ердан 80-82 центнердан дон олдилар.

— Яшагинг келаркан яхшини кўриб, — дейди С. Айний номли ширкат хўжалиги бош ширкатчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат ота Облоқулов. — Ёшим етмишга борган бўлса-да, яхшилар даврасидан қолмайман. Узоқ ва самарали ишлаш фақат жамоага барака, ишонч олиб келади.

Дарвоқе, дарахт бир ерда кўкаради. Қайси жамоада раҳбар тез-тез ўзгартирилса, ўша ердан унум, баракага путур етади.

ЭЛ ИШОНЧИ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ғайниддин акани туманда раисларнинг отахони дейишади. У киши ўн тўққиз йилдан буён Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжалигини бошқаради. Бу айтишга осон. Зарафшон дарёси соҳилларига туташ ерларни яхши билади. Одамларни эса қўяверинг. Каттадан кичиккача кимнинг кўнглидан нима кечаётганини илғайди, уни алдай олмайсиз. Очиқ кўнгил, кек сақламайди, суҳбатдош танламайди.

— Қайси соҳада баҳслашмоқчи бўлсангиз асло катта кетманг, — дейди биз билан суҳбатда пенсионер Холиқ Латипов. — Мен бир неча йил хўжаликда муҳандис бўлиб ишладим. Трактор паркига у киши мендан олдин келарди. Мабодо дунё воқеаларидан сўз очилса, қаерда нима бўляпти — ҳаммасидан хабардор. Шахматдан эса қолдиролмайсиз.

Раиснинг уддабуронлиги туфайли хўжаликда иш унуми туман бўйича олдинги сафларда. Бошқаларга ўхшаб ҳамма ишни ўз зиммасига олмаган. Муҳандисдан тортиб пудратчигача ўз ўрнида. Фақат уларнинг муаммоларини вақтида ҳал қилиб бериш керак, холос. Назорат ҳам, талаб ҳам режа асосида олиб борилади.

Якунланган йилда хўжалик пахтакорлари анъанага содиқ қолиб давлатга пахта сотиш шартномавий режасини биринчи бўлиб бажарганлар. 610 гектар ердан 2500 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Биргина, пахтачиликдан 370 миллион сўм даромад кўрилади. Шунингдек, 840 тонна ўрнига 1000 тонна дон етиштирилганлигининг ўзиёқ баракали меҳнат самарасининг натижасидир.

Атоқли ёзувчи Садриддин Айний таваллуд топган хўжалик ҳудудидаги Соктаре қишлоғида Ғайниддин Носиров катта мактаб қурдирган. 3 та қишлоқда саломатлик маскани, спорт мажмуи барпо этилди, 30 гектар боғ, 24 гектар чорбоғ яратилди. Газ, ичимлик сувидан ҳеч ким нолимайди. Тадбиркорга кенг йўл очилган, кичик корхоналар мунтазам ишлаб турибди.

— Ёшинг бир ерга борганда ҳам эл сени қўллаб турса, чарчамай ишлайсан, — дейди Ғ. Носиров ғурур билан. — Ўз элингнинг чеҳрасидаги шукроналикни, ўсиб келаётган шогирдларингни кўрганда, чарчоғинг ёзилади, қалбинг равшан тортади.

Умрини, бутун ҳаётини халқига, Ватанига бағишлаган инсонлар бор экан, барқарорлик, бунёдкорлик, яратувчилик давом этаверади...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Инсон тирик экан, ҳар доим озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари сингари кўплаб товарларга эҳтиёж сезади. Ишлаб чиқарувчи эса ана шундай талаб бор жойга ўз маҳсулотини олиб бориш, киритиш ва албатта шу йўл билан ўз молиявий аҳволини ўнглаб олишга ҳаракат қилади. Айниқса, собиқ иттифоқ парчаланганидан сўнг, унинг ўрнида ташкил топган мустақил давлатларда айрим хорижий мамлакатларнинг «ишбилармон — тадбиркорлари» учун ана шундай чаққон буюм бозорлари очилгани сир эмас. Хусусан, тайёр маҳсулот камчил бўлган минтақаларга яхши товарлар билан бирга сифатсиз маҳсулотлар ҳам кириб келаётгани ойдек равшан.

Кейинги йилларда харидор учун нисбатан арзон кўринган, аслида истеъмол учун яроқсиз ва сифатсиз бундай молларнинг Марказий Осиё давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кириб келиши ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бунда биринчидан, истеъмолчи ҳуқуқлари поймол этилаётган бўлса, иккинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ноқулай ҳолга тушиб қолмоқдалар. Энг ачинарлиси, бир пулга қиммат бундай сифатсиз чет эл (масалан, Хитой) маҳсулотларини келтириш валюта заҳираларимизга путур етказмоқда. Ён-теварагимизда бозорлар кўпайиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари танг аҳволда қолди.

Мана шундай шароитда Ўзбекистон ҳукумати мамлакат иқтисодиётини ўнглаш имконини берадиган дадил чоралар кўрмоқда. Ўтган йилнинг ўрталарида ҳудудимизга сертификати ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатларсиз товарлар олиб келиш бутунлай тўхтатилди. Мамлакат ичкарисида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш тадбирлари кўрилди. Афсуски, Ўзбекистон ўз ички бозорини тартибга солиш, яъни маҳаллий (сифатли ва рақобатбардош) маҳсулотлар билан тўлдириш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошираётган бир пайтда, бизга яқин бўлган баъзи қўшни давлатларда ислоҳотларимизга салбий таъсир кўрсатувчи ҳаракатлар содир бўлмоқда. Биз бу ўринда айнан шу давлатларнинг ваколатли корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни айтмоқчи эмасмиз, аксинча улар орқали бошқа ўлкалардан ёки айрим нопок сохта тадбиркорлар қўлида тайёрланаётган сифатсиз маҳсулотлар Ўзбекистонга контрабанда йўли билан олиб кирилаётганини назарда тутаяпмиз. Биргина 2002 йилнинг ўзида беш мингдан ортиқ мана шундай ҳолатлар аниқланди. Мамлакатимиз божхона хизмати постларида миллиардмиллиард сўмлик сифатсиз маҳсулотлар ушлаб қолинди.

Ҳозир дунё тажрибасида халқаро миқёсда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга, шунингдек, ўзаро келишувларга амал қилиб яшаш одат тусига кирган бир пайтда (Европа ҳудудидаги ва Европа иттифоқига кирувчи давлатларнинг савдо маданияти бунга ёрқин мисол) минтақамизда рўй бераётган бу ҳол ундаги ҳар бир давлат учун ҳам манфаатли эмас, албатта. Масалан, ҳозир Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудларда 20 дан ортиқ шундай бозорлар ташкил этилганлиги кишини ташвишга солмасдан қўймайди.

— Биродар, маҳсулотингизни сўмга сотаяпсиз, кейин бу пулни Қирғизистонда қандай ишлатасиз?

— Тўплаб олиб бориб, Ўзбекистонда долларга алмаштираман, — жавоб берди у.

Муддао —

Яқинда бир ҳамкасбимиз мамлакатимиз билан 481 километр чегара масофасига эга Қирғизистон Республикасида бўлиб, у ердаги «Қизилқия» буюм бозорига борган фарғоналик бир харидор билан кечган суҳбатини ҳикоя қилиб берди. Ўша харидор айтаяпти:

«Ўтган йили Қирғизистонда, қўшнимиз Қизилқия бозорига бориб ҳайрон қолдим. Бозордаги маҳсулотлар ўзбек сўмига сотиляпти. Қизиқиб сўрадим:

...Ҳайронман, мамлакатимиз пули буёқда айланса ва боз устига улар келиб долларимизни ҳам олиб кетишса... бу иқтисодиётимизга қип-қизил зиён-ку...»

Бундан кўриниб турибдики, қўшни мамлакатларда харидор кўзига арзон кўринган сифатсиз товарларни пуллаётган сохта тадбиркорлар бугун харидорни ёки унинг моддий аҳволини ёхуд турмуш тарзини, энг ёмони, инсон сиҳатсаломатлигини ўйлаётгани йўқ.

● «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» ҚУРИЛИШЛАРИДА

Қўнғирот — Бейнеў йўли

Буюк ипак йўлининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи қисмини тиклашда «Ўзавтойўл» концерни ва унинг бу ердаги бўлинмалари самарали меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Тахиатош махсус йўл-кўприк бошқармасининг ташкил этилганлиги бу борадаги ишлар кўламини кенгайтирди.

— Биринчи галда Қўнғирот — Бейнеў йўлининг 245 километрини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди, — дейди бошқарма бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Муратбой Жумабоев. — Мақсадимиз Тўрткўл —Бейнеў янги



автомагистрал йўлини барвақт фойдаланишга топшириш. Бу йўлнинг эни 16,25 метр бўлиб, автомашиналар соатига икки томонлама 120-150 километр тезликда, уч қаторда ҳаракат қилиш имконига эга бўлади. Тахиатош йўллардан фойдаланиш бошқармасининг барча мулки Тахиатош махсус йўл-кўприк бошқармаси балансига ўтказилди. Қўнғиротдаги йўл-қурилиш идораси энди бошқарма буюртмаси билан ишлайди.

Қўнғирот — Бейнеў йўли қурилишининг сарф-харажати 9 миллиард сўмни ташкил этиб, бунга 2000 га яқин ишчи кучи жалб этилади. Келажакда йўл қурилишининг учинчи, тўртинчи навбатларида йўлларга бетон ётқизиш ва бунинг учун Қоратов цемент заводи қурилишини тезлаштириш ишлари ҳам режалаштирилмоқда. Шунингдек, Бердақ разъездида база участкаси ташкил этиш учун махсус йўл-кўприк идорасини тузиш, «Қорақалпоқ» участкасида ташкилий ишлар кўламини кўриб чиқиш ва уни келгусида трасса учун (эталон даражасида!) тажриба алмашув участкасига айлантириш, «Ақшолақ» Ажиниёз разъездлари ҳамда «Жаслиқ» станциясида йўл қурилиш участкаларини ташкил этиш сингари юмушлар ҳам кўзда тутилган.

Яна бир асосий иш — илгари ҳаракатдаги йўлга ёнма-ён тарзда Тўрткўл — Қўнғирот — Бейнеў оралиғида жаҳон стандарти даражасидаги замонавий автомобиль трассасини қуриш ва уни энди очилажак Буюк ипак йўлидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфига топширишдан иборат. Йўлнинг биринчи навбатини 2004 йилнинг тўртинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Қашқадарё вилоятида навбатдаги замонавий корхона — «Қаршитермопласт» заводи ўтган йилнинг август ойида ишга туширилганди. Айни чоғда 96 нафар ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхона Германиянинг энг замонавий техник ускуналари билан жиҳозланди ва турли хил ҳажмдаги полиэтилен сув қувурлари ишлаб чиқара бошлади. Аҳамиятли томони шундаки, фойдаланиш муддати 50-75 йилни ташкил этган бу қувурлар ҳар жиҳатдан қулай ва афзал. Сифати ҳам кафолатланган.

Ҳозир корхонада 20 хил сув қувурлари тайёрланиб, улар республикамизнинг турли минтақаларига буюртмага кўра етказиб берилятти. Маҳсулотнинг муайян қисми шартнома асосида хорижга ҳам жўнатилмоқда.

Шунингдек, бу ерда эндиликда полиэтилен плёнкаси ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Плёнка хомашёси «Шўртангазкимё» мажмуидан олинаётир.

Суратларда: *корхонанинг қувурлар ишлаб чиқариш цехи ва буюртмачиларга жўнатишга тайёр ингичка сув қувурлари.*

Рўзимат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Республика кўчмас мулк биржаси
Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 31 январь ва 7 февраль кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига қўйилган, давлат фойдасига мусодара қилинган автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 12-сонли қарорига асосан савдолардан олинганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

● МАТБУОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Журналист ҳуқуқлари

Жаҳонда демократик йўл билан ривожланаётган давлатлар биринчи галда матбуот эркинлигига алоҳида эътибор қаратади.Чунки демократик тамойилларни шакллантиришда ОАВ таъсири беқиёс.

Матбуот ва ОАВ, журналист ҳуқуқлари борасида Ўзбекистон Республикасида қатор қонунлар қабул қилинган. Хусусан, умумхалқ муҳокамасидан сўнг Олий Мажлис Х сессиясида «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун матбуот ва журналистлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Хўш, журналистларимиз ўз ҳуқуқи ва масъулиятини қандай тушунадилар? Сўз ҳамкасбларимизга:

Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

— Шубҳасиз, журналистнинг ҳуқуқи, айтайлик, прокурор ёки милиция ходиминнинг ҳуқуқидан фарқ қилади. Яқинда маҳаллада бир қариянинг ҳузурига иш билан бордим. У ҳали мақсадимни эшитмасдан «Кимсан?», «Нега?», «Нима учун?», «Ким айтди?» деган саволлар билан мени довдиратиб қўйди. Бир пайт ўзимга келиб: «Ака, мабодо илгари милицияда ишламаганмисиз?» десам у баттар тутоқиб кетди. Кейин билсам, ҳақиқатдан ҳам у қирқ йил шу соҳада ишлаб пенсияга чиққан экан. Унинг ишлаб юрган пайтдаги ҳуқуқи хулқ-атворини шакллантирган ва кўриниб турибдики, етмиш ёшдан ошганидан кейин ҳам бу хулқ-атвор уни тарк этмаган. Бундай ҳолатни баъзи прокурорларда, айниқса, терговчиларда ҳам кузатиш мумкин. Бироқ ҳаммасида эмас. Бу ўша касб эгаларига берилган ҳуқуққа нисбатан бироз суиистеъмолликнинг оқибатидир.

Танқид ёзишга берилган баъзи ҳамкасбларимиз ҳам «Нега?», «Нима учун?», «Нега ундай?», «Нега бундай?» деган саволлар билан суҳбатдошини сўроққа тутиб довдиратиб қўйишни одат қилишган. Назаримда бу — касб одобини бузиш. Журналист қандай мақола ёзишидан қатъи назар касб одоби доирасида, самимий инсон ва яхши суҳбатдош сифатида ҳаракат қилиши зарур. У ҳеч қачон ҳақ-ҳуқуқини пеш қилмаслиги керак. Мен ёқимли табассум, чиройли гап, яхши илтифот ва самимий муносабат билан ҳам суҳбатдошидан зарур маълумотларни олиб, танқидий мақолалар ёзаётган, телевидение ва радиода долзарб чиқишлар қилаётган журналистларни биламан.

Кейинги пайтда, баъзи ҳамкасблар ўртасида журналистнинг ҳақ-ҳуқуқи масаласида нотўғри тушунчалар чувалашиб қолди. Гўё сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги шароитида журналистнинг мушугини ҳеч ким «пишт» деёлмасмиш. Бир куни Тошкент шаҳридаги маҳаллалардан бирининг раиси менга бундай деб қолди: «Маҳалламиз оқсоқоллари бир масалада келиша олмай икки гуруҳга бўлиниб қолишди. Бир журналист укамиз бир томоннинг фикрини маъқуллаб газетада мақола босиб чиқарди. Мен бу нотўғри, иккинчи томонни ҳам эшитиш керак эди, дедим. У бўлса "қандай хоҳласам шундай ёзаман", дегандай гап қилди». Афсуски, бундай ҳолатлар учраб туради. Ҳатто буюртма билан бировни танқид қиладиган журналистлар ҳам бор. Бу аслида биз мустақил ва фақат қонунга бўйсинади деб ҳисоблайдиган судья пора олиб нотўғри ҳукм чиқаргандай гап. Таъмагирлик қилиб, «заказ» билан бировни танқид қиладиган журналистни ҳамкасб дейишга тилим бормайди. Журналистнинг ҳақ-ҳуқуқлари оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топган. Олий Мажлиснинг Х сессиясида қабул қилинган янги қонунда эса журналистнинг нафақат ҳуқуқлари, балки касб одоби доирасидаги хатти-ҳаракатлари ҳам юридик меъёрларда асосланган ҳолда ўз ифодасини топган.

Агар журналист босган ҳар бир қадами, ёзган ҳар бир мақоласи, кўтарган ҳар бир мавзуси, ижодий жамоадаги ўз ўрни ва мавқеи, жамиятга қўшган ҳиссаси юзасидан ўзига-ўзи ҳисоб бериб турса, бу унинг масъулият ҳиссини сезганлигидир.

Михли САФАРОВ, «Халқ сўзи» газетаси бўлим мудири:

—Ҳуқуқий-демократик давлат ва жамият ўз қонунлари билан яшайди. Биз — журналистлар ҳам, сўнгги йилларда ҳуқуқ ва бурчларимиз атрофлича асосланган қонунларга эга бўлдик. Улар жамиятдаги ўрнимизни аниқ белгилаб беради. Бу қонунлар бизнинг имкониятларимизни чекламайди, аксинча, улар журналист фикри ва сўзининг янада дадил бўлиши, ҳақиқат учун курашишига кенг йўл беради. Бу қонунлар муаммоларни дадил кўтариш, ҳаёт ҳақиқатини ҳимоя қилиш учун идоралар эшигини ланг очади, раҳбарлар журналистлар билан ҳисоблашади, уларга вақтим йўқ, дея олмайди.

Хўш, қонунлар бор, уларнинг доирасида биз эркин, дадил ҳаракат қиляпмизми? Бу — бошқа масала. Ҳатто долзарб, ўткир масала. Журналистлар онгида ва маънавиятида эски давр тарбиялаган ўта эҳтиёткорлик, ҳадик ҳали ўзини сездириб турибди.

Президентимиз журналистларни дадилликка ва фаолликка тинмай даъват этиб келяптилар. Бу йўналишда илк дадил қадамларни табриклаб ҳам, қўллаб-қувватлаб ҳам турибди. Лекин демократик уйғонишлар журналистикада имиллаб юз беряпти.

Бу тўғрида кўп ва узоқ гаплашиш мумкин.

Мен эса, юқорида айтганларимдан хулоса қилиб битта нарсани айтаман: биз ҳаёт ва одамлар ҳақидаги ҳақиқатларни баралла айтиш ҳуқуқига эга бўлдик. Ижодий фикр ва сўзимиз баралла янграса ҳаёт ва ижтимоий онгга таъсиримиз шунча кучайиб боради.

Айни пайтда, бизнинг масъулиятимиз ҳам ҳақиқат тушунчаси билан боғлиқ. Яъни, биз — журналистлар — ҳаёт ва одамларга доир ҳақиқат олдида доимо масъулмиз.

Биз учун энг олий ҳақиқат — Ўзбекистон мустақиллигидир. Уни асраб-авайлаш, унинг дадил одимлар билан ривожланиши учун курашишдан кўра катта бурч бўлиши мумкин эмас. Ҳа, айнан кураш! Кузатувчилик, лоқайд баёнчилик эмас!

Абдурозиқ ҲАЛИМОВ, ЎзТВ 1-канали «Ахборот» дирекцияси муҳаррири:

— Аслини олганда ҳуқуқ ва масъулият тушунчаси ёнма-ён туради. Журналистнинг ҳақиқий журналистик фаолият билан шуғулланиши учун юртимизда барча шарт-шароитлар етарли. Биз — журналистлар ана шу қонуний ҳуқуқларимиздан фойдаланаётган вақтимизда ҳам гарданимиздаги масъулиятни ҳис этиб туришимиз керак.

Журналистика соҳаси «сенсацион» материаллар (телекўрсатув, радиоэшиттириш, мақола) эълон қилишга жуда ўч.

1 2 3 4

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

эл манфаати

Ички бозоримизга сифатсиз, яроқсиз маҳсулотларни кимлар олиб кирмоқда? Бундай ноқонуний, ноинсоний хатти-ҳаракатлар халқимизга, иқтисодиётимизга қандай зарар келтирмоқда?

У ўзининг турли найранглари билан келтириб сотаётган маҳсулотлари охир-оқибат мамлакатимиз иқтисодиётига зарар кўрсатаётганини хаёлига ҳам келтирмаяпти. Қолаверса, божхона ва солиқ тўловларидан қочаяпти. Сифатсиз маҳсулотларнинг ноқонуний айланишига йўл очаяпти.

Шу боис, биз бугун мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотларда чегараларимизни дунё меъёрлари даражасидаги савдо-сотиқ, бизнес учунгина очиқ тутиб, салбий таъсир кўрсатаётган ҳар қандай ҳолатларга эса қатъий кураш йўлини танладик. Бироқ буни тушунмаётган баъзи ҳамюртларимиз республикамизга сифатининг тайини йўқ маҳсулотларини бекитиқча олиб киришга уринмоқдалар.

Масалан, Андижон вилояти божхоначилари Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлари давомида Марҳамат тумани ҳудудида ҳайдовчи А.Қурбонов бошқарувидаги «КамАЗ» русумли 17 В 2565 рақамли автомашинани тўхтатишди. Тақдим этилган ҳужжатларга кўра, гўё Марҳамат туманида жойлашган «Таъминотчи» ширкати томонидан Тошкентдаги «Хумо-чарм» савдо тайёрлаш ширкатига беш тоннага яқин жун маҳсулоти олиб кетилмоқда, деб кўрсатилган. Автомашина юкхонаси божхона назоратидан ўтказилганда эса бошқача манзара намоён бўлди. Машинага қарийб 30 миллион сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатсиз газлама ва суньий чарм юкланиб, молларни беркитиш учун унинг устига ярим тонна жун ортилгани фош этилди. Юк эгаси марҳаматлик А.Эгамбердиев ушбу ўғринча молларни Тошкентда сотишни ният қилган, лекин унинг ҳийласи иш бермади.

Андижонлик божхоначилар «КамАЗ» русумли 20 Е 33 50 рақамли яна бир машинада 16 ярим миллион сўмлик қонунга зид равишда чегарадан олиб ўтишга уринилган маҳсулотлар борлигини аниқлашди. О.Гадоев, Ф.Номозов ва О.Абдуллаевга тегишли бу маҳсулотлар орасида турли хил кийим-кечаклар борлиги маълум бўлди. Махсус ускуналарда той қилиб зичланган бу маҳсулотларнинг кўпчилиги давлат стандарти талабларига мутлақо жавоб бермаслиги аён бўлди.

Айни пайтда ҳар иккала ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу мисолларни ўқиб, «савдо-сотиқ учун Ўзбекистон чегаралари ёпиқ экан-да», деганлар адашади. Аксинча, юқорида таъкидлаганимиздек, Ватанимиз дарвозалари қонуний асосдаги ҳар қандай савдо-сотиқ учун ҳамиша очиқ. Чунки, ривожланган давримизда дунё ҳамжамияти ҳамда қўшни давлатлар билан ҳамкорликда яшаш биз учун ҳам эртанги кунимизни белгилашда алоҳида аҳамиятга эга. Аммо, гап фақат миллий қадриятларимизни оёқ ости қилмасдан, умуминсоний тамойиллар ва мамлакатимизнинг амалдаги қонунларига риоя қилиш устида бормоқда.

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг матбуот маркази раҳбари
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Умид САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Лагерлар баҳорда ёпилади

Ингушетия бош вазирининг қочоқлар ишлари бўйича ўринбосари Магомет Мархиевнинг айтишича, Ингушетиядаги чечен қочоқларининг лагерлари шу йил баҳорда ёпилиши мумкин. «Шуни айтиш лозимки, – деди у, – лагерлардаги қочоқлар куч ишлатиб чиқарилмайди, балки улар ихтиёрий равишда ватанига қайтишлари ёки шароити яхши бошқа бир лагерга кўчишлари учун имконият яратилади. Аввал биз совуқ тушгунча қочоқлар лагерларини ёпишни режалагандик. Аммо бунинг уддасидан чиқиб бўлмади. Чеченистондаги бешта вақтинча жойлашув пункти ўз вақтида қуриб битказилмади. Шунинг учун ватанига қайтишни хоҳловчиларга жой етишмай қолди. Шундан сўнг қочоқларнинг юртига қайтиши тўхтаб қолди».

Ингушетия ҳукумати берган маълумотларга кўра, шу кунларда мамлакатда 65 мингта Чеченистон фуқароси бор. Шундан 26 минги хусусий секторда яшаса, 21 мингдан ортиқроғи ихчам яшаш жойларига эга, шунингдек, 17 минги эса 5 та лагерда ҳаёт кечирмоқда, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

Намойишчилар тарқатиб юборилди

Ғарбий қирғоқдаги Тулкарм яқинида жойлашган Фаластин қишлоғида тўпланган намойишчиларни Исроил қўшини кўздан ёш оқизувчи газ қўллаб тарқатиб юборди.

Исроил бульдозерлари 50 та дўконни бузиб ташлагани учун намойишчилар тўпланишган эди. Исроил ҳарбийларининг сўзларига қараганда, бу дўконлар рухсатномасиз қурилган эмиш.

Reuters берган хабарга кўра, намойишчилар орасида исроиллик тинчликсевар фаоллар ҳам бўлган.

Яна бир неча ой керак

БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад Ал-Барадей Ироқда текширув ўтказаётган халқаро инспекция ўз ишини якунига етказиш учун яна бир неча ой керак бўлишини айтди. Келгуси ҳафта бу ҳақда БМТ Хавфсизлик Кенгашига хабар беришини маълум қилди, дейилади Reuters ахборотида.

МАГАТЭ раҳбари Ал-Барадей ва Ироқдаги халқаро инспекторлар бошлиғи Ханс Бликс 27 январь куни БМТ Хавфсизлик Кенгашига Ироқдаги текширув бўйича ҳисобот беришлари керак.

Ҳали давом этади

Австралияда давом этаётган қурғоқчилик иқлимда юз берган «Эль Ниньон» деб аталувчи фавқулодда ҳодиса натижасидир. Рекорд кўрсаткичга чиққан бу йилги қурғоқчилик натижасида мамлакат миллиардлаб доллар зарар кўрмоқда. Ва бу зарарни ҳали-бери тўхтатиб қолишга австралияликлар ожиз. Негаки, қурғоқчилик яқин кунларда тўхтайдиганга ўхшамайди. Австралия Иқлимшунослик миллий маркази вакили Блэр Тревиннинг айтишича, иқлим ўзгаришлари яна бир неча ой давом этиши мумкин. Бу илмий кузатилди. Об-ҳавони кузатиш бюроси берган маълумотларга кўра, ёмғирли кунлар фақат март ёки апрелдагина бошланиши мумкин.

Ҳозир қурғоқчилик сабаб мамлакат пойтахти Канберрада 400 дан ортиқ уй ёнғин остида қолган, 4 киши ҳалок бўлган.

Бошпана бермоқчи эмас

Саддам Ҳусайн Ироқ президентлигидан ўз хоҳишига кўра кетса, Россия унга сиёсий бошпана бериши у ёқда турсин, ҳатто бу масалани муҳокамага ҳам қўймоқчи эмас. Россия Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Александр Яковенконинг таъкидлашича, «бу масала муҳокама этилгани йўқ ва Москва уни кўриб чиқмоқчи ҳам эмас. Лекин ҳозирча бошпана сўраб бирор-бир мурожаатнома келгани йўқ».

Интернетнинг «Газета. RU» сайтида ёзилишича, кейинги пайтда Ғарбнинг айрим оммавий ахборот воситаларида агар Саддам Ҳусайн ўз хоҳишига кўра лавозимидан кетса, Россия бошпана бериш имконига эга эканлиги ҳақида мақолалар бера бошлаган. Россия бу мақолаларда асос йўқ, деб ҳисоблайди.

Самолётни полиция кузатиб боради

Сингапур ички ишлар вазири Ванг Сенгнинг хабар беришича, мамлакатнинг Singapore Airlines ҳамда Silkair миллий авиакомпаниялари йўловчи самолётлар қатновида хавфсизликни таъминлаш бўйича янги тадбир қўллай бошладилар. Яъни махсус полиция гуруҳлари тузилган бўлиб, улар ҳар бир самолётни кузатиб борадилар. Самолёт ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш улар зиммасига юклатилди.

«Новости» агентлиги хабарида ёзилишича, бундай тадбир жаҳон тажрибасида қўлланилаётган усулдир. АҚШ, Австралия, Буюк Британия ва Исроил давлатлари биринчилардан бўлиб ушбу тажрибани амалга жорий этган.

● МУНОСАБАТ

Қўшиқ: сўз, соз, овоз...

(«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН «ҚЎШИҚ — МАЪНАВИЯТНИНГ БИР БЎЛАГИ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ)

Инсон руҳини куй-қўшиқчалик қўллаб-қувватловчи омил бўлмаса керак дунёда. Она алласига сел бўлиб, оромга кетган гўдакка кўз ташланг-да, унинг ўрнида ўзингизни кўринг. Ҳали сўзни танимаган, англамаган норасида чақалоқда бу қадар ширин туйғу қаердан пайдо бўлди? Ахир бу куйнинг, қўшиқнинг шарофати эмасми?!

Улуғ санъаткор, беназир истеъдод соҳиби Маъмуржон Узоқов «Аҳди ёлғонлар бир келиб-кетсин» дея хониш қиларкан, Марғилон боғи шу қўшиқнинг авжи билан чулғанган, тўлғонган бир пайтда ҳофизнинг руҳи самоларга парвоз қилган эди...

Ҳиндистонлик олима Амина Бинту бир пайтлар «Эрон ва Ироқ урушини бир кунга тўхтатинглар, чунки бугун Комилжон Отаниёзов туғилган кун», дея бонг урган экан.

Ўдак ота, Мадали ҳофиз, Расулқори Мамадалиев, Ботир Зокиров (худо раҳматига олган бўлсин уларни) – булар санъатнинг ҳақиқий усталари эдилар.

Қўшиқ шу қадар муқаддас, илоҳий экан, демак унга сажда қилмоқ, уни асраш ва аввайлаш керак. Қўшиқни ҳам, қўшиқчини ҳам эл назаридан қолдирмасин.

Афсуски, бугунги қўшиқлар ҳақида гап кетганда ҳар хил саволлар гирдобида қоласан киши.

Ким билсин, балки хато сўзлаётгандирман, бугун қўшиқчилар худди бозорчилардай урчиб кетди.

«На ерда бўлсанг эй гул, андадур
чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳҳум айлагилким,
анда жонидир.

ёки

Умр ўтар, вақт ўтар,
Омад ўтар, бахт ўтар,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сенинг келишларинг,
сенинг кулишларинг,
Холим сўрашларинг,

ёхуд

Бул ажаб ҳар кимсадин имдод
сўрайди хорлар,
Сиз бемор кўксига бош урмангиз,
эй беморлар.
Ким бориб дунёга зор,
абгор ўлиб қолган ўзи,
Кимки дорни бузди гар,
анга қурилди дорлар.

каби улуғвор ва соф қўшиқлар атрофида беҳаё, маза-матрасиз қўшиқлар кўпайиб бормоқда. На шеъриятдан, на ҳаёт ва на дунёдан хабардор қўшиқ бўлиб қўшиқ, шеър бўлиб шеърга ўхшамаган алланималарни йигитча ва қизчалар минғирлаб куйлашмоқда.

Бундай «қўшиқ»ларнинг умри узоқ эмаслигидан хотиржам бўлиб, бир кулиб қўя қоламиз. Баъзан эса асабийлашамиз. Қўшиқ айтиш тақиқланмайди, албатта. Аммо санъат, қўшиқчилик нуфузига доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ёшлар-ку ёшдир, лекин айрим таниқли хонандаларнинг ашулаларига нима дейсиз?

«Офатижон» десам, кулиб, «йўқ», «роҳатижон ўзим», дединг, *– дейди таниқли ҳофиз Нуриддин Ҳамроқулов.*

Ўзбек қизига эркак киши гап отиши бор гап... Борингки, йигитнинг қизга офатижонсиз-да, дейиши ҳам табиий, яхши. Бироқ, йигит айтган «офатижон»ни «тузатиб», йўқ, биз «роҳатижонмиз», деган қиз қанақа қиз бўлдийкин?

Ўзбек эстрадасида ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиликлар қилган Юлдуз Усмонова ўзига хос чиройли мусиқа фонида мана бундай «лутф» қилади:

«Ачом-ачом қиласиз,
Юзларимдан ўпасиз.
Севиб туриб, гоҳ-гоҳида,
Хиёнат ҳам қиласиз...»

Севиб теккан одамнинг гоҳ-гоҳида хиёнат қилиши, гоҳ-гоҳида хиёнат қиладиган одамнинг севишини бу қадар самимий қабул қилиш, ифодалаш қанчалар ғалати! Хиёнатни «ачомлаш» қанчалар аянчли... Менимча, Юлдузхондек таниқли, истеъдодли санъаткорга бу қўшиқ сира ярашмайди.

Қўшиқ – даъват. У инсонни эзгуликка, яхшиликка, фазилатлар оламига етаклайди.

Қўшиқ – нажот, таскин. Дарддан, изтироблардан тозалайди инсонни. Кўнгилдаги нохуш унсурларга барҳам беради...

Қўшиқ – халоскор. У ёмонлик ва жаҳолат чангалзоридан халос қилади сени Юракни дарддан, қайғудан, касаллардан фориғ қилади. Энг муҳими, яхши қўшиқ ҳамма вақт инсонни эзгуликларга чорлайди.

Қўшиқ – ҳимоя. У авало инсон қалбини қусурлардан – худбинлик, риёкорлик, ёвузлик, иккиюзламачилик, ёлғончилик, ҳасадгўйлик, такаббурлик, бузуқлик, ялтоқилик, қўйингки, жами шайтоний иллатлардан асрайди, узоқлаштиради.

Қўшиқ – тарбия. У инсон мафкураси, одоби, ахлоқи, шарм, ибо ва ҳаёсини тарбиялайди. Чунки ўзбекнинг шарми, ибо-ҳаёси бу бугунги, кечаги мезон, қандайдир мавсумий талаб ёки менинг, Эшмат-Тошматнинг инжиқлигидан пайдо бўлган нарса эмас...

Ва ниҳоят Ватан ҳақидаги қўшиқлар хусусида.

Бу энг азиз ва муқаддас мавзуда ибратли, ўлмас қўшиқлар яратилди. Айниқса, Юлдуз Усмонова, Нуриддин Ҳайдаров, Нилуфар Раҳматова сингари хонандалар ижросидаги қўшиқлар халққа манзур бўлмоқда. Аммо ушбу мавзуда ҳам ясама, олдиқочди, ёлғон қўшиқлар пайдо бўлмоқда. Кўпгина ашулачилар етилмаган, дардсиз товуш билан ўзи англаб етмаган Ватанни куйлаётгандек. Хўш, бундай енгил-елпи, чучмал, мантиқсиз қўшиқлар кимга керак?

Хуллас, мақолада таъкидланганидек, «мусиқа санъати, аниқроғи, миллий қўшиқчилик санъати миллатнинг қиёфаси, руҳияти ва шаклу шамойилини белгилайди». Шундай экан, қўшиқларимиз ўзбекона бўлсин, миллий моҳиятли, миллий руҳга тўйинган бўлсин. Шакл-шамойили ҳам ўзбекона бўлсин. Шу билан биргаликда, ***сўз, соз*** *ва* ***овоз****даги мутаносибликни ҳам назардан қочирмаслигимиз лозим. Шундагина, қўшиқ рисоладагидек қўшиқ бўлади, деб ўйлайман.*

Улуғбек РАҲИМОВ,
журналист

ва масъулияти

Шов-шув бўлиб эл оғзига тушадиган материаллар тайёрлаш бизнинг табиатимизга хос. Шуни унутмаслигимиз керакки, бизнинг қош қўяман, деб кўз чиқаришга маънавий ҳуқуқимиз йўқ. Шундай ҳолатлар бўладики, биттагина кўрсатув (радиоэшиттириш, мақола) бутун бир халқнинг ҳокимиятдан норозилигига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Бундан кимга зарар, албатта, халққа, юртга, давлатга. Ҳокимият билан халқнинг мақсадлари муштарак. Ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ. Биз бу иккаласини қарши қўйиш эмас, уйғун ҳолатда барқарор ривожланишига хизмат қилмоғимиз керак. Ана шу бизнинг масъулиятимиз.

Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» газетаси мухбири, капитан:

– Журналист ҳуқуқ ва эркинликлари, аввалambор, халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқади. Парламентимиз томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини бунга мисол қилишимиз мумкин. Қабул қилинганига ярим асрдан ошган мазкур халқаро ҳужжатнинг 19-моддасида ҳар бир инсон ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан излаш, олиш, тарқатиш эркинлигига эга эканлиги ҳақида ёзилган. Бош Қомусимиз – Конституцияда ҳам ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, тарқатиш ҳуқуқига эгалиги хусусида гап боради.

ОАВни бежиз тўртинчи ҳокимият дейишмайди. Негаки, мазкур соҳа вакиллари қонуний ҳуқуқларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишмайди. Улар ўз фаолиятлари давомида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликларини ҳимоя қилишади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ахборот излаш, тарқатиш журналист касбининг моҳиятини ташкил этади. Аммо ахборот олиш ва тарқатишда ҳам қонуний чекланиш меъёрлари бор, яъни журналист масъулияти. Бу ҳатто халқаро қонунчилик ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бунинг замирида фуқароларнинг ҳуқуқларига дахл қилмаслик, давлат манфаатларига, конституциявий тузумга зид келмаслик каби омиллар мужассам. Шу маънода тарқатилиши сир тутиладиган ахборотлар ҳам бўлади. Журналист ўз ҳуқуқларидан келиб чиқиб, мана шу мезонга ҳам риоя қилмоғи лозим. Масалан, ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА мухбири:

– Ўзбекистонда журналист фаолияти, сўз эркинлиги қатор қонун ҳужжатлари ёрдамида мувофиқлаштирилади. Мазкур ҳужжатлар бевосита ОАВ соҳаси билан боғлиқ бўлиб, улар мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар қандай оммавий ахборот воситаси ҳамда бевосита журналистларнинг фаолиятини тартибга солишда беқиёс аҳамият касб этади.

ОАВ соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисида гап кетганда, кўпчилик мутахассислар ғарб давлатларини мисол қилиб олади. Уларнинг фикрича, оммавий ахборот воситалари умуман ҳеч қандай қонун ёки шунга ўхшаш ҳужжатга муҳтож эмас. Негаки, ҳар қандай қонун бир жиҳатдан эркинлик берса, бошқа тарафдан фаолиятни чеклайди. Тўғри, кўпчилик ривожланган давлатларда бевосита ОАВ тўғрисидаги қонун йўқ. Шунга қарамай, уларнинг журналистикасидаги эркинлик кўламига ҳавас қилса арзийди. Лекин шу билан бирга, масалан, улардаги суд жараёнларини оладиган бўлсак, бу ишларнинг ярмидан кўпроғи бевосита ОАВ билан боғлиқ, яъни журналистларга берилган эркинлик суд томонидан мувофиқлаштирилади.

Сўз жуда кучли қурол. Шу сабаб сўз эркинлиги, деганда ҳамма нарсани гапириш мумкин экан, деган фикрларнинг олдини олиш, бундай ўйлаётганларга вазиятни тушунтириш лозим. Тўғри, ҳар қандай инсон оммавий ахборот воситалари орқали ўзи истаган фикрни айтиши, кўнглидан кечаётган ҳиссиётлар билан ўртоқлашиши мумкин. Бироқ мазкур фикрлар одамлар орасида адоват қўзғайдиган, миллатлараро низо чиқарадиган, инсонларнинг шахсий ҳаётига аралашиш, уларни ҳақоратлаш, мавжуд тузумни ноқонуний йўл билан ағдаришга даъват қилувчи руҳда бўлса, бундай чиқишларни, табиийки, чеклаш лозим. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда мавжуд қонун ҳужжатларида мана шу ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилган ва барча журналистлар уларга риоя қилмоқда.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ, Республика радиоси «Ўзбекистон» канали Ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош муҳарририяти бош муҳаррири:

– Сўзим аввалида журналист бурчи ҳақида тўхталмоқчи эдим. Бурч ҳақида гапирсак, журналистлар ўз бурчларини сидқидилдан бажаришмоқда, дейишга бироз вақт бўлса керак. Чунки, биз ҳамон ютуқларни кўпроқ ёритиб, муаммолар, салбий ҳолатларни ёритишга куч топа олмаётганимиздек кўринади, назаримда. Журналист олдида катта вазифа турибдики, у ҳам бўлса «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиш. Бунинг учун ҳар бир журналист ўз бурчини яхши билиши керак. Аммо бурч, бурч дея баландпарвоз гапларни айтиб, ўзимиз БУРЧни унутсак, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бурч бизнинг руҳимизга кириши керак.

Биз кўпинча масъулият нималигини ҳам билмаймиз. Масъулият бу қабул қилинган қонунлар асосида иш юритиш демакдир. Кўп журналистлар мана шу қонунларни ўқиб ҳам кўрмаганлиги мени ҳайрон қолдиради. Мавжуд қонунларни яхши билиб, таҳлилий мақолалар, (эшиттириш, кўрсатув) тайёрлаш мумкин. Аммо, биз эринамиз-да, журналистиканинг осон йўлини (агар шундай аташ мумкин бўлса) танлаймиз.

Масалан, туман, вилоят раҳбарларини танқид қилиб бўлмайди, деган ақида миямизга «ўрнашиб» қолган. Бу албатта, нотўғри. Агар қонунларни яхши ўргансак «қилиб бўлмайдиган ишлар»ни ҳам қилиш мумкин.

Нурбек САЛОМОВ, Республика божхона қўмитаси матбуот гуруҳи ходими:

– Демократик давлатларда бўлгани каби бизнинг юртимизда ҳам матбуотнинг функцияси муносиб баҳоланиб, унга тўртинчи ҳокимият мақоми берилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши учун бир неча қонунлар ишлаб чиқилди ва кейинги йиллар давомида мазкур қонунлар такомиллаштирилиб борилмоқда. Хўш, тиниб-тинчимас журналистларга яна нималар етишмаяпти, деб сўрашингиз мумкин. Менимча, ҳаммаси маромида. Югуриб-елиб ишлаганларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ҳам юқори. Айнан мана шу ўринда журналистларнинг масъулияти хусусида сўз юритиш вақти етди, деб ўйлайман. Журналистлар зиммасига жамиятдан бир қадам олдинда юриш, уни янгиликлардан огоҳ этиш вазифаси юкланган. Бунинг учун журналист уйғоқ нигоҳга эга бўлиши, дунёга теран назар билан боқиши ғоятда муҳим. У ўзининг кенг қиррали фаолиятида холислик тамойилига асосланиши зарур. Бу эса мустабид тузум даври матбуотига хос бўлган ягона танқид йўлидан эмас, балки таҳлил йўлидан бориш зарурлигини англатади. Бу – жамият тараққиётида ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Халқ журналистга ишонади, ишончни суиистеъмол қилиш эса ғоятда ачинарли ҳолдир.

Юрт тараққиётини таъминловчи асосий омил – барча касб эгаларининг ўз касбига фидойилик билан ёндошишига боғлиқ эканини унутмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, журналистлар ҳам ўзларига туҳфа этилган муборак қалам кучидан фақатгина тараққиёт ва яшнатиш каби хайрли ишларни амалга ошириш учун фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман.

Қўчқор НОРҚОБИЛ ва
Беҳзод ШУКУРОВ тайёрлади.

● ТАҚРИЗ

Тадқиқот объекти — мустақил шахс

ЁКИ «ИНСОН ФАЛСАФАСИ. МУСТАҚИЛ ШАХС» ДЕБ НОМЛАНГАН КИТОБ ҲАҚИДА

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалари билан бирга, унинг маънавий жабҳасидаги ишларининг пировард мақсади — иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятининг, яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган мустақил шахсни — баркамол инсонни шакллантиришни тақозо этади.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Анвар Чориевнинг мустақил шахс шаклланиши ва интеллектуал ривожланишининг асосий қонуниятларини таҳлил қилишга бағишланган «Инсон фалсафаси. Мустақил шахс» дея номланган иккинчи китобининг нашр этилиши мамлакатимиз маданий-маънавий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди, десак муболаға бўлмас. Жамиятда демократияни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигини қарор топтириш жараёнлари тобора авж олиб бораётган ҳозирги шароитда мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш ва мустақил яшаш малакаларини ўзида мужассамлаштирган инсонпарвар мустақил шахс қарор топиш жараёни бир бутун, яхлит ўрганилганлиги тадқиқотчининг катта ютуқларидан биридир.

Анвар Чориев кейинги ўн йил давомида ўзининг илмий тадқиқотларида орттирган тажрибасини фалсафанинг энг асосий масаласи — одам ва олам муносабатлари, хусусан инсон муаммосини ўрганишга бахшида этди. Ўзбек файласуфлари орасида биринчи бўлиб уч китобдан иборат «Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти» деб номланган биринчи китоби 1998 йилда, «Инсон фалсафаси. Мустақил шахс» деб номланган иккинчи китоби эса ўтган йилнинг охирларида Тошкентдаги «Чинор» нашриётида чоп этилди.

Ушбу китоб Ғарбий Европа ва Америка олимлари, россиялик тадқиқотчилар яратган ҳозирги замон шахс назарияларида олға сурилган асосий концептуал ғояларни таҳлил қилиш билан бошланган.

Асарда мустақил шахснинг шаклланиш жараёнини яхлит ўрганишнинг методологик асослари, уни мустаҳкамлаш йўллари, яъни кишиларнинг онги ва фаолиятидаги маънавий қашшоқлик кўринишларини бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Жамиятда маънавий қашшоқ кишилар сони қанча кам бўлса, мустақил шахснинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни шунча тезлашади, деган хулосага келинган.

Инсоннинг мустақил шахс даражасига кўтарилиш жараёни унинг таркибий структурасида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида янада тиниқроқ ва аниқроқ маълумотга эга бўлмоқ учун ҳозирги замон цивилизацияси, хусусан фан ва техника тараққиётининг инсон турмуш тарзига, ижтимоий қиёфасига кўрсатаётган таъсирини билиш даркор. Муаллифнинг таъкидлашича, бундай мураккаб вазифани уддаламоқ учун, «цивилизация» тушунчасининг моҳият ва мазмунини аниқлаш аҳамиятга эгадир. Бундай вазифа бир қанча олимлар яратган фалсафий меросга таяниб ҳар томонлама тушунтириб берилган. Машҳур америкалик файласуф, социолог ва футуролог Эльвин Тоффлер, россиялик тадқиқотчи Л.Гринининг ҳозирги замон цивилизациясининг асосий хусусиятлари ва унинг босқичлари ҳақидаги қарашлари шарҳлаб берилган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, мустақил шахс уч асосий компонентни — мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш ва мустақил яшашни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу компонентлар мустаҳкам ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, шубҳасиз бири иккинчисига таъсир ўтказиб туради. Лекин шахс мустақиллиги, энг аввало, унинг фикрлаш тарзига, фикр-мушоҳада юритиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Шахснинг фикрлаш тарзи очиқ, ҳушёр, ижодий, догматик, авторитар каби кўринишларда намоён бўлади. Шундай қилиб, шахс мустақил бўлмоғи учун мустақил фикрлаш маданиятига эга бўлмоғи керак.

Китобда таъкидланишича, шахс мустақиллигини ифодаловчи энг муҳим инсоний фазилатлар: ақлий зукколик, ахлоқий поклик, ҳуқуқий камолот, меҳнатга ҳалол муносабат, сиёсий етуклик, юксак маданий савия — унинг мустақил шахс даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Ўша инсоний фазилатлар, айни пайтда шахс мустақиллигини аниқловчи энг муҳим кўрсаткичлардир. Ушбу кўрсаткичлар шахс мустақиллигини аниқловчи ижтимоий мезон вазифасини ҳам бажаради. Муаллифнинг фикрига асосан, шахс мустақиллигини ифодаловчи энг муҳим инсоний фазилатлар асосида инсонпарвар эътиқод ётади. Аниқроқ қилиб айтганда, инсонпарвар эътиқод — шахс мустақиллигини таъминловчи энг асосий кафолатдир.

Инсон мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш ва мустақил яшаш маданиятини ўзида мужассамлаштирмоғи учун унинг дунёқараши асосида инсонпарвар эътиқод ётмоғи даркор. Муаллифнинг фикрича, фақат инсонпарвар эътиқод инсонни мустақил шахс даражасига кўтаради. Инсонпарвар эътиқод мағзини эса миллийлик билан умуминсоний-ликнинг муштараклигини таъминловчи билимлар, ғоялар, назариялар ташкил этади. Худди шунинг учун ҳам инсонпарвар эътиқод инсон онги ва фаолиятини умуминсоний маданият томон йўналтириб туради.

Ҳозирги замон фалсафа илмининг ютуқларига таяниб, китобда баён қилинишича, шахс мустақиллигини таъминловчи энг муҳим кафолатлардан бири эркинлик ва масъулият туйғуларининг уйғунлашишидир. Мамлакатимизда бунёд этилаётган инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлат ана шундай кафолатни яратганлиги ишонарли далиллар ёрдамида исботлаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Анвар Чориевнинг «Инсон фалсафаси. Мустақил шахс» асари фалсафа фани ривожига қўшилган катта ҳиссадир. Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, инсон муаммоларини ўрганувчи тадқиқотчиларга мўлжалланганлигини назарда тутиб уни қайта нашр қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фармон ОМОНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби,
Олий Мажлис депутати,
Олим ЭРГАШЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

● ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Грипп хавфли касаллик

УНДАН САҚЛАНИШ КЎПРОҚ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Кўпчилигимизга маълум, сўнгги пайтларда обҳавонинг кескин ўзгариши кузатилмоқда. Бу ҳолат аҳоли орасида қиш ойларида кўпроқ учрайдиган касалликлар, жумладан, гриппнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Хўш, гриппдан қандай қилиб сақланиш мумкин? Биз мана шу масалада кенгроқ маълумот беришларини сўраб Республика саломатлик институти мутасаддиларига мурожаат қилдик ва қуйидаги мазмунда жавоб олдик.

Дунёнинг барча мамлакатларида тарқалган бу хасталик билан турли ёшдаги аҳоли касалланиши мумкин. Грипп ўткир вирусли инфекция бўлиб, юқори нафас йўлларининг шиллиқ қаватини зарарлайди ва кучли интоксикация аломати билан кечадиган юқумли касаллик ҳисобланади. Грипп эпидемиясининг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Маълум бўлишича, ҳозирги кунгача инсоният гриппнинг 4 та оғир пандемиясини бошидан кечирган, яъни 1889-1890, 1918-1920, 1957-1959 ва 1968-1969 йилларда. «Испанка» номи билан аталувчи биринчи пандемияда 20 млн. одамнинг ёстиғи қуриган бўлса, 1957-1959 йиллардаги «Осиё гриппи» пандемияси бир миллионга яқин инсонни ҳаётдан олиб кетган.

Мазкур рақамлар бу касалликнинг айрим ҳолларда оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Хўш, бу хасталик қандай келиб чиқади, уни тарқатувчи омил нима?

Гриппни асосан вируслар келтириб чиқаради. Грипп вируси доимий равишда учраб туради ва йилнинг куз-қиш фаслларида фаоллашгани кузатилади.

Грипп ҳар қандай ёшдаги одамга, айниқса ёш болаларга тез юқади. Одатда касаллик вирус юққандан сўнг орадан бир неча соат ёки 1-2 кун ўтгач, тўсатдан бошланади. Тана ҳарорати 39-40 даражагача кўтарилади. Беморнинг аҳволи ёмонлашиб, мускул ва бўғимлари, шунингдек, бош оғришидан шикоят қилади.

Гриппнинг оғир шаклларида болаларда сохта бўғма (круп) авж олади, товуш бойламлари ва юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардаси яллиғланади, натижада товуш бўғилади ёки батамом йўқолади, тез-тез йўтал тутиб, нафас қисиши кўпаяди. Бундай ҳолларда вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, нафас сиқилиши оқибатида ўлим ҳолати юзага келиши мумкин.

Грипп касаллиги кўпроқ болаларда асоратлар қолдиради, бу асоратларга бронхит (бронхларнинг яллиғланиши), зотилжам (ўпканинг яллиғланиши), отит (қулоқнинг яллиғланиши), менингит (мия қобиғининг яллиғланиши), синусит (пешона бўшлиқларининг яллиғланиши), гайморит (гаймор бўшлиқларининг яллиғланиши) ва бошқалар киради. Зотилжам энг кўп учрайдиган оғир асорат ҳисобланади.

Гриппдан сақланишнинг энг осон ва тўғри йўли — тоза-озода юриш, ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш, танани ҳўл сочиқ билан яхшилаб артиш тавсия этилади. Спорт билан мунтазам шуғулланадиган кишиларда касалликка чалиниш кам учрайди.

Касалликни даволаш чораларига келсак, антигриппин препарати грипп учун энг яхши восита бўлиб, унда ҳароратни туширувчи, оғриқ қолдирувчи, қувват берувчи хусусиятлар мавжуд. Бундан ташқари, ремонтаден, арбитол препаратлари шифокор маслаҳати билан тавсия этилади. Сулъфаниламидли препаратлар ва антибиотиклардан зинҳор фойдаланмаслик керак. Энг яхшиси, бемор 5-6 кун ётиб даволангани маъқул.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш учун кўриладиган чора-тадбирларга шифокорни уйга чақириш, касалликни вақтида аниқлаш ва томоқни илиқ содали сув билан чайқаш, лимонли, малинали чой, наъматак дамламаси, исириқ тутатиш тавсия қилинади.

Ҳайитбой ЛАТИПОВ,
Республика саломатлик институти директори муовини, тиббиёт фанлари номзоди

«Машъал» 25 ёшда

Чорак асрдан буён мамлакатимиз радиоси ҳаво тўлқинларида «Машъал» канали инсонлар қалбига нур, зиё, маърифат, маданият улашиб келмоқда. Ижодий жамоа томонидан тайёрланаётган «Давр садоси», «Етти иқлим садоси», «Эзгулик зарралари», «Қадрият», «Матбуот ва ҳаёт», «Адабий жараён», «Замин ва замондош» каби эшиттиришлар халқимиз томонидан севиб тингланмоқда.

1978 йил 1 январда илк бора ўз эшиттиришлари билан ҳаво мавжларига чиққан «Машъал» радио каналининг айёми муносабати билан Ўзбек Миллий академик драма театрида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Табрик ва қутловлардан сўнг йиғилганларга Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаҳриддин Умаров, Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Нуриддин Ҳамроқулов, Хайрулла Лутфуллаевлар куй-қўшиқлар ижро этдилар.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

● ФУТБОЛ

«Пахтакор» финалга чиқади...ми?

Мамлакатимизнинг ўтган мавсумдаги чемпиони «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси МДҲ чемпионлари кубоги баҳсларида ўз ишқибозларини хурсанд қилмоқда.

Илк босқичда «С» гуруҳида тўп сурган пахтакорчилар аввалига Украина чемпиони «Шахтёр»(Донецк)ни (2:0) мағлубиятга учратиб, иккинчи учрашувда Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан (1:1) дуранг ўйнашди. Гуруҳнинг сўнгги ўйинида вакилларимиз Литва чемпиони «ФБК Каунас» футболчиларига қарши майдонга чиқиб, керакли натижани қайд этишди — 0:0. Уч ўйинда 5 очкони қўлга киритган пахтакорчилар чорак финалга йўлланмани қўлга киритди.

Турнир ғолиблигига асосий даъвогар, деб эътироф этилган донецклик футболчилар барча учрашувларни муваффақиятсиз якунлашди. Сўнгги турда улар озарбайжонлик ёшларга ютқазиб қўйишди — 1:2. «Шахтёр»нинг баҳсларга кучли таркиб билан ташриф буюрганлигига қарамай, кейинги босқичга йўл ололмаганлиги турнирнинг кутилмаган воқеаси бўлди.

*Бошқа гуруҳлардаги сўнгги тур учрашувлари қуйидагича якунланди: **«А» гуруҳи.** «Локомотив»(Россия) — СКА-ПВО — 4:0, «Иртиш»(Қозоғистон) — «Торпедо»(Грузия) — 0:1.*

***«В» гуруҳи.** «Сконто»(Латвия) — «РегарТадАЗ»(Тожикистон) — 3:0, БАТЭ — «Пюник»-(Арманистон)—1:1.*

***«Д»гуруҳи.** «Шағадам» (Туркманистон) — «Флора»(Эстония) — 0:3, «Шериф»(Молдова) — Россия ўсмирлар терма жамоаси — 3:3.*

Қуръага кўра, мусобақанинг кучли саккиз жамоаси 1/4 финал учрашувларига йўл олди. Кеча кечқурун ўтказилган мазкур босқич баҳсларида «Пахтакор» — «Флора», «Локомотив» — БАТЭ, «Шериф» — «ФБК Каунас», «Сконто» — «Торпедо» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	**3**	**1**	**2**	**0**	**3-1**	**5**
«ФБК Каунас»	**3**	**1**	**2**	**0**	**3-2**	**5**
Озарбайжон ё.т.ж	3	1	1	1	4-3	4
«Шахтёр»	3	0	1	2	2-5	1

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *тошкентлик ҳакам Рустам Саидов ҳам турнир ўйинларини бошқариб бормоқда(архивдан).*

Сергей АРХИПОВ олган сурат.

● ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

Фидойи ижодкор, меҳрибон устоз эди

«...ЖЎРАБОЙ ХОЛҚОСИМОВ, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРИ...»

Бу имзо ортида турган табаррук Инсон — жуда кўпчилик журналистларнинг меҳрибон оғаси, маслаҳатгўй касбдоши, бағри кенг устози эди. Аллоҳ жойларини жаннатдан қилган бўлсин, ул муҳтарам зотни 70-80-йилларда ўзбек журналистикасига кириб келган биз қалам соҳиблари ҳам бугун меҳр билан эслаб қўймасак, аниқроғи у Инсон ҳақида лоақал бир оғиз илиқ сўз айтмасак, бамисли кечирилмас гуноҳ бўлурди.

Жўрабой ака 50-йилларнинг охирларида ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини аъло баҳоларга тугатиб, Наманган, Сирдарё вилоятлари мактабларида тил-адабиётдан дарс берди, мактаб илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. Айни пайтда ижод билан шуғулланди. Республика газеталарига узлуксиз мақолалар, лавҳалар, репортажлар, очерклар ёзиб турди.

Ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига 1961 йилда келиб, 1990 йилларнинг ўрталарига қадар бўлган меҳнат фаолиятида оддий мухбирликдан аввал ахборот ва спорт, сўнгра саноат, капитал қурилиш ва транспорт бўлимлари мудирлиги, кейинчалик ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими муҳаррири лавозимларида ҳалол тер тўкди. Узоқ йиллар Таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб келди. У ўз мақолаларида халқимизнинг дарди, муаммоларини кўтаришга ҳаракат қиларди.

*Ўзбек миллий журналистикасининг дарғаларидан бири, марҳум Холбек Ёдгоров **«Ҳаёт тўлқинлари»** китобида устоз ҳақида бундай ёзганди: **«...Чирчиқ химиклари, Бекобод металлурглари, Чорвоқ энергетиклари, янги Тошкент бунёдкорлари, Ғазли — Дулдул йўли қурувчилари, Мурунтов олтинтопарлари, тепловоз машинистлари ҳақидаги қатор репортаж ва очерклари журналистнинг камолот пиллапоялари бўйлаб юксакликка интилаётганлигидан далолат беради. У «Кафтдаги қуёш», «Меҳр булоқлари» каби очерклар тўпламларининг муаллифи».***

Шундан сўнг устознинг «Бахти баркамол», «Нурли излар» сингари яна бир талай рисолалари ҳам кенг китобхонларга манзур бўлди. Долзарб мавзулардаги туркум-туркум мақолалари учун кўплаб кўрик-танловларда нуфузли совринлар олди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлди...

Бу сатрларни, аниқроғи, устоз ҳақидаги бу таърифларни бугун биз нега қаламга олаяпмиз!? Шунинг учунки, яқинда ул муҳтарам зотнинг қадрдон маҳалладошлари, ўғиллари, қизлари, укалари, ёру биродарлари ва кўпдан-кўп шогирдларининг хоҳиш-истакка тўла фикр-мулоҳазаларини эшитдик, ёзган хатларини ўқидик:

— ...Хизмати ҳар тугул кўп эди. Эл-юрт назарига тушганди. У туғилиб ўсган — Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги «Шарқ» (истиқлолга қадар «Қизил шарқ» эди) маҳалласи ҳам ва у кишининг ҳовли-жойлари жойлашган кўча ҳам ҳозир «Шарқ» номи билан юритилади... Бир маҳаллага битта «Шарқ» номи бўлса бўлди-да. Лоақал, кўча номи шу Инсон номига (хотираси ҳақи!) абадийлаштирилса деган истагимиз бор... Расмий ҳужжатларни тайёрлаганимизга анча бўлди.

Ўринли истак, ўринли таклиф деб ўйлаймиз. Тегишли идоралар бу ҳақда ўйлаб кўришса, ҳайрли иш бўларди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ҳайдар НОСИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

10 дақиқа ёлғиз қолди

Британиянинг «Стилз» ва «Олбион» футбол жамоалари учрашувида қизиқ воқеа юз берди. Қуюқ туман туфайли учрашув 30 минутга тўхтатилганди. Лекин дарвозабон Ричард Сиддолл бундан бехабар яна 10 дақиқа ўз жойидан қўзғалмай ҳушёр турган. Гап шундаки, туман туфайли дарвозабон 11 метрлик жарима белгисидан нарини кўролмай, жамоадошлари рақиблар томонида ҳужумга зўр беришаётган бўлса керак, деб ўйлаган.

Йилнинг энг яхши футболчиси

Германия терма жамоаси ҳамда Мюнхеннинг «Бавария» клуби аъзоси Оливер Кан халқаро футбол федерацияси томонидан ўтган йилнинг энг яхши дарвозабони деб эътироф этилди. Иккинчи ўрин 92 мамлакат экспертлари хулосасига кўра, Испаниянинг «Реал» клуби ўйинчиси Икер Касильяс, учинчи ўрин эса Туркиянинг «Фенербахчи» жамоаси ўйинчиси Рюшт Речберга насиб этди.

Тузатиш

Газетанинг 21 январь сонида чоп этилган республика Давлат-тижорат Халқ банкининг «Ассалом, янги йил» қисқа муддатли ютуқли омонат бўйича расмий жадвалнинг 5-қаторидаги «А1-14» рақами «А1-18», 36-қаторидаги «04» рақами «014», 92-қаторидаги «А1-339» рақами «А1-399» деб ўқилсин.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

15855 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA